

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2024 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ**

I. Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йилдаги устувор вазифалари

1. Сайлов органларининг марказлашган тизимини шакллантириш, худудий сайлов комиссиялари фаолиятини **услубий йўналтириш**.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва унинг Котибияти фаолиятини **такомиллаштириш**.

3. Қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчиллик палатаси, маҳаллий Кенгашларга сайловларни ўтказишга оид Марказий сайлов комиссиясининг норматив хужжатларини **хатловдан ўтказиш, таҳлил қилиш** ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига, бошқа қонун хужжатларига **мувофиқлаштириш**.

4. Сайлов комиссиялари фаолиятига **замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш**, сайлов жараёнида ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

5. Сайлов комиссиялари аъзоларининг **малакасини ошириш ва ўқитиши тизимини янада такомиллаштириш**.

6. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида **хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш**, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан **ҳамкорлик доирасини кенгайтириш**.

7. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва аралаш сайлов тизимининг асосий қоидаларини сайлов жараёни иштирокчиларига тушунтириш, сайловчиларнинг электторал маданиятини ошириш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш.

II. Марказий сайлов комиссиясининг мажлисларида кўриб чиқиладиган масалалар

1. Марказий сайлов комиссиясининг 2023 йил иккинчи ярим йиллиқда амалга оширган ишлари тўғрисида

февраль

2. Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режаси тўғрисида

февраль

3. Марказий сайлов комиссиясининг айрим қарорлари ва низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, аралаш сайлов тизимига ўтилиши муносабати билан сайловга оид янги норматив хужжатларини тасдиқлаш тўғрисида.

февраль-июнь

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасининг 1-чорак якунлари бўйича ижроси тўғрисида.

апрель

5. Республика худудларида сайлов жиҳозларининг етарли миқдорда мавжудлиги, сақланиши ва ҳисоби юритилишининг мониторинги натижалари тўғрисида.

май-июнь

**III. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2024 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган
ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

№	Тадбирлар	Ижро этиш муддати	Масъул ижрочилар
I. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловларга тайёргарлик кўриш бўйича ҳудудий, туман (шаҳар), округ ва участка сайлов комиссияларининг ишларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш			
1.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудларида ташкил этилиши кўзда тутилган ҳудудий, туман, шаҳар, округ (халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича) ва участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларнинг сифат таркибини таҳлил қилиш ва малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.	январь-апрель	Б. Юнусов, М. Мирамиров
2.	Ҳудудий, туман (шаҳар), округ (халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича) ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда кўлланиладиган услубий ҳужжатлар намуналарини тайёрлаш.	февраль-июнь	Б. Юнусов, А. Ибодуллаев, Х. Палуаниязов, М. Мирамиров
II. Аралаш сайлов тизимига ўтилишини ҳисобга олган ҳолда норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш			
3.	Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларини аралаш сайлов тизимига ўтиш муносабати билан хатловдан ўтказиш . Хатлов натижаларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг сайлов жараёнини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига мувофиқлаштириш бўйича алоҳида режа-жадвални ишлаб чиқиш.	январь февраль	Б. Кучкаров, Х. Маматов, М.Хусанова, Х. Палуаниязов, И. Хаджиев, Ўқув-маркази
4.	Марказий сайлов комиссиясининг норматив-хуқуқий ҳужжатлари “Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси” – Lex.uz да эълон қилиб борилишини таъминлаш.	мунтазам	М.Хусанова, И. Хаджиев, М.Сатаев
III. Сайлов комиссиялари аъзоларининг билим ва малакасини ошириш ишларига тайёргарлик кўриш			
5.	Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловни ўтказиш бўйича сайлов комиссиялари аъзоларининг малакаси оширилишини ташкил этиш тўғрисидаги Концепция лойиҳасини тайёрлаш.	февраль-март	Х. Маматов, Х. Палуаниязов, Ўқув-маркази
6.	Концепцияга мувофиқ сайлов комиссиялари аъзолари учун ўқув дастури, маъруза матни, топшириқ саволлари, тест, глоссарий, тақдимотларни тайёрлаш.	апрель	Х. Маматов, Х. Палуаниязов, Ўқув-маркази

7.	<p>Концепцияга мувофиқ участка сайлов комиссиялари аъзоларини сайлов қонунчилиги борасидаги билим ва малакасини оширишга қаратилган кўйидаги мавзулар бўйича маҳсус видео ўқув қўлланмаларни тайёрлаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “Участка сайлов комиссияси учун ажратилган бино ва уни жиҳозлаш тартиби”; - “Участка сайлов комиссияси томонидан муддатидан олдин овоз берини ташкил этиши ва ўтказиш тартиби”; - “Участка сайлов комиссияси томонидан сайлов куни овоз берини ташкил этиши ва ўтказиш тартиби”; - “Участка сайлов комиссияси томонидан овозларни санаб чиқиши натижаларини аниqlashi тартиби”. 	май-июнь	Х. Маматов, Х. Палуаниязов, М.Алимбаев, Ўқув-маркази
8.	Сайлов комиссиялари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида кўргазмали услубий қўлланма сифатида фойдаланиладиган инфографик плакатларни тайёрлаш .	май-июнь	Х. Маматов, Х. Палуаниязов, Ўқув-маркази
9.	<p>Худудий, туман (шахар), округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларини каскад усулида ўқитишини ташкил этишга тайёргарлик кўриш, шу жумладан:</p> <p>“Ташкилий методик ишлар” – Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда сайлов комиссияси аъзолари томонидан масоғавий таълим олиш ва онлайн тест топшириш имкониятини яратиш;</p> <p>Концепцияга мувофиқ “Тренерлар ва худудларнинг масъул вакилларини тайёрлаш” – “Республика тренерлари” ва “Худудий тренерлар” гурӯхини шакллантириш.</p>	апрель- июнь	Б. Кучкаров, Х. Маматов, Х. Палуаниязов, М.Сатаев, Ўқув-маркази
IV. Сайлов комиссиялари моддий-техник таъминотини яхшилаш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш самарадорлигини ошириш			
10.	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида сақланаётган сайлов жиҳозларини қайта хатловдан ўтказиш асосида сайлов участкаларида сайлов жиҳозлари етарли микдорда бўлишини таъминлаш;</p> <p>Худудлар кесимида сайлов жиҳозларининг аниқ манзилда ҳамда сифатли сакланишини таъминлаш учун масъул этиб белгиланган шахс ҳақидаги маълумотлар базасини яратиш, у билан доимий алоқа ва ҳамкорликни йўлга кўйиш.</p>	январдан бошлаб доимий	А. Ибодуллаев, А.Фарманов, Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
11.	Давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар учун харид килинадиган айрим товарларни сайлов комиссияларига етказиб бериш режа-жадвалини ишлаб чиқиш ва ижрога қаратиш.	январь-март	А. Ибодуллаев, А.Фарманов, Ж. Фахрутдинов, Ш. Умаров
12.	Молия вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни инобатга олган ҳолда, шу жумладан, сайлов округи ва участкалари кесимида харажатлар сметаси лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш.	апрель-май	А. Ибодуллаев, Ш. Умаров
13.	Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил учун тасдиқланган Давлат бюджетида МСК учун ажратилган маблағлар доирасида МСКнинг йиллик харажатлар сметасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш.	март	А. Ибодуллаев, Ш. Умаров

14.	Марказий сайлов комиссиясининг 2024 йил учун тасдиқланган харажатлар сметаси ижроси юзасидан биринчи чорак ва ярим йиллик учун молиявий ҳисоботларини сифатли тайёрлаш ва тақдим этиш.	январь-июнь	Ш. Умаров
-----	--	-------------	-----------

V. Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, ахборот маконида иштирокини кенгайтириш

15.	МСК аъзоларининг оммавий ахборот воситаларида чиқишлари юзасидан медиа-режа ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	январь-март	Б. Кучкаров, М.Хусanova, М. Алимбаев, Қ.Очилов
16.	Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун сайлов жараёнини ёритишнинг ўзига хос хусусиятлари мавзусида ўкув-таниширув ва семинар-тренинглари ўтказиш.	март-июнь	Б. Кучкаров, МСК аъзолари, М. Алимбаев
17.	МСК фаолиятини расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб бориш, сайловчиларнинг электорал маданиятини оширишга доир контент билан тўлдириш. МСКнинг расмий веб-сайтини модернизация қилиш, сайловчиларнинг электрон кутубхонасини бойитиш, сайтнинг мобил иловасини ва МСКни худудий, туман, шаҳар сайлов комиссиялари билан боғловчи ягона компьютер тармоғининг дастурий таъминотини такомиллаштириш.	апрель-июнь	Б. Кучкаров, МСК аъзолари, М. Сатаев, М. Алимбаев
18.	Жисмоний ва юридик шахсларнинг МСКга келиб тушаётган мурожаатларини сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунчиликка ҳамда “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Конунга мувофик кўриб чиқиш	доимий	МСК аъзолари, Котибият бўлимлари, И. Хаджиев

VI. Ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш

19.	Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини (СЖБАТ) такомиллаштиришга қаратилган Техник топшириқ ишлаб чиқиш ва ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказиш.	январь-март	Б. Юнусов, М. Сатаев
20.	Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар режасини тайёрлаш ва тасдиқлаш.	март	Б. Юнусов, А.Фарманов, М. Сатаев
21.	“E-Saylov” ахборот тизимини тажриба тариқасида ишга тушириш ва синовдан ўтказиш.	февраль-апрель	Б.Кучкаров, Б. Юнусов, М. Сатаев
22.	Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида сайлов участкаларининг интерактив электрон харитасини жойлаштириш.	май	Б. Юнусов, М. Сатаев, М. Алимбаев

23.	Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали сайловчиларга кўрсатиладиган – “Сайлов участкасини аниқлаш” ва “Сайлов участкасини ўзгартириш” бўйича интерактив давлат хизматларини фаол (актуал) ҳолатга келтириш.	май-июнь	Б. Юнусов, М. Сатаев, М. Алимбаев
-----	---	----------	---

VII. Халқаро алоқалар ва ҳамкорлик

24.	Халқаро ташкилотлар ва институтлар (<i>EXХТнинг Ўзбекистондаги Лойиҳалар Координатори, ННТ IFES</i>) билан ҳамкорликдаги лойиҳалар фаолиятини мувофиқлаштириш (иичи лойиҳа режсалари асосида)	январь-июнь	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov
25.	Ўзбекистон Республикаси вакилларининг хорижий мамлакатларнинг сайлов органлари таклифига биноан ва турли халқаро ташкилотлар миссиялари таркибида хорижий мамлакатлардаги сайловлар ва референдумларни кузатишда иштирок этишини ташкил этиш (<i>сайловлар календари асосида</i>).	январь-июнь	Г.Рахимова А. Нурмухamedov
26.	Марказий сайлов комиссияси вакиллари, сайлов жараёнларининг бошқа ташкилотчилари хорижий мамлакатларда ташкил этилаётган сайлов ва референдум масаласига оид ўқув семинарларида ҳамда малакасини ошириш бўйича тематик ўқув тадбирларида иштирок этишини таъминлаш (<i>ўқув семинарлари календари асосида</i>).	январь-июнь	Г. Рахимова, А. Нурмухamedov